

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04
РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ХАКИМОВ РАХШОД ХОЛМИРАТОВИЧ

**ПЕКИН КАРАМИ (*Brassica rara subsp. pekinensis L.*) НИ
АГРОБИОЛОГИК ХУСУСИЯТИ ВА САҚЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

06.01.11 – Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2025

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy
(PhD) on agricultural sciences**

Хақимов Рахшод Холмиратович Пекин карами (<i>Brassica rara subsp. pekinensis</i> L.) ни агробиологик хусусити ва сақлаш технологияси	3
Хақимов Рахшод Холмиратович Агробиологические особенности и технология хранения пекинской капусты (<i>Brassica rapa subsp. pekinensis</i> L.).....	19
Khakimov Rahshod Kholmuratovich Agrobiological Characteristics and Storage Technology of Chinese Cabbage (<i>Brassica rara subsp. pekinensis</i> L.).....	35
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	39



**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ХАКИМОВ РАХШОД ХОЛМИРАТОВИЧ

**ПЕКИН КАРАМИ (*Brassica rara subsp. pekinensis L.*) НИ
АГРОБИОЛОГИК ХУСУСИЯТИ ВА САҚЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

06.01.11 – Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида B2024.4.PhD/Qx1562 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdau.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шарипов Султон Янгибоевич
техника фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Муминов Нажмиддин Шамсиддиневич
техника фанлари доктори, профессор

Мисиров Шухрат Худойқулович
кишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори

Етакчи ташкилот:

Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик
илмий тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил 8 июль соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100164, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.:(+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz; Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (552790 -рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100164, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университети, Ахборот ресурс маркази биноси. Тел.:(+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2025 йил 26 июнь куни тарқатилди.

(2025 йил 16 майдаги 23-рақамли реестр баённомаси).



Ш.Асатов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор

М.З. Холмуротов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.д., доцент

С.А.Юнусов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.д., профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда сабзавот экинларининг ўрни беқиёс бўлиб, инсониятнинг кундалик истеъмол маҳсулотларини 70-75 фоизини ташкил қилади. ФАО маълумотларига кўра “2024 йилда дунё бўйича гулқарам ва брокколидан ташқари қарамдошлар оиласига мансуб сабзавотлар Хитой (1009,23 минг га, 33,84 т/га), АҚШ (239,17 минг га, 41,17 т/га), Россия Федерацияси (72,18 минг га, 36,34 т/га), Жанубий Корея (36,16 минг/га, 71,17 т/га) давлатларида кенг миқёсда етиштирилган”¹ Ҳозирда дунё бўйича пекин қарам етиштирилаётган майдонлар 4,5 млн. гектарни, ўртача ҳосилдорлик 48,5 тоннани, ялпи ҳосил 95,2 млн. тоннани ташкил этмоқда. Пекин қарами Хитойда 2,3 млн/га, Ҳиндистонда 55,2 минг/га ва Россия Федерациясида 180,2 минг/га майдонларда етиштирилмоқда. Ҳозирда дунёда пекин қарамини сақлаш ва узоқ масофаларга ташишга чидамли, юқори ҳосилдор, турли муддатларда етиштириш учун қулай бўлган, сақлашда тургорлик сифатларини узоқ сақлаб тура олувчи янги нав ва дурагайларини яратиш, кўпайтириш, етиштириш ва сақлашнинг инновацион технологияларини ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади.

Маълумки сўнгги йилларда озиқ-овқат хавфсизлигига катта эътибор қаратилмоқда. Шу сабабли кўплаб сабзавот турларини экин майдонларини кенгайтириш ва улар асосида тайёрланган маҳсулотларни ассортиментини кўпайтириш, ҳосилдорлигини ошириш, сабзавотларни узоқ муддатли ва сифатли сақлаш юзасидан кўплаб илмий изланишлар олиб борилмоқда. Сабзавот турларидан пекин қарамининг ўрни беқиёс бўлиб, унга дунёнинг кўплаб мамлакатларида қизиқиш ортмоқда. Юқоридагиларни эътиборга олиб ушбу сабзавот турининг юқори ҳосилдор, узоқ муддат сақланганда озиқавий қийматини ва биокимёвий таркибини сақлаб тура оладиган, витамин ва минералларга бой нав ва дурагайларини танлаш, сақлашнинг самарадорлигини ошириш, замонавий усулларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Кам тарқалган сабзавот экинларидан пекин қарамини етиштириш ва селекцияси бўйича кўпгина илмий тадқиқотлар олиб борилган, лекин пекин қарамини сақлаш ва қайта ишлаш бўйича тадқиқотлар етарли эмас. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «Қишлоқ хўжалигини илмий асослашда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5% га етказиш»² масалалари алоҳида белгилаб қўйилган. Бу ўринда аҳоли турмуш даражасини ошириш, соғлом овқатланишни тизимли йўлга қўйиш, аҳолининг сабзавот

¹ Faо.org

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони.

маҳсулотларига бўлган талабини тўла-тўқис қондириш мақсадида кам тарқалган пекин карамининг агробиологик хусусиятларини тадқиқот этиш орқали сақлаш технологиясини ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28-январдаги ПҚ-4575-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора тадбирлари тўғрисида” ги қарорида, Вазирлар Маҳкамасининг 11.12.2023 йилдаги 653-сон “Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги давлат бошқаруви такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ги қарорлари ҳамда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатиб ўтилган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Пекин карамини етиштириш, унинг агробиологик ва технологик хусусиятлари, уни сақлаш ва қайта ишлаш бўйича сўнгги йилларда хорижий мамлакатларда, Нуун Коо Руо, Zhang Zhenxian, Л.Л.Бондарева, В.И.Буренин, Г.З.Берсон, Г.В.Боос, Соловьева А.Е., Мешков А.В., Тараканов Г.И., Плотникова Н.И., К.Нариприја, G.J.Hoffman, Liu She., C.J.Wright, Ye.G.Ginzburg, А.А.Макаров, Akter S., Камара Ансуман, Guttormsen G.ва бошқалар, Ўзбекистонда ҳозирги кунда бу сабзавот экин турларининг маҳаллий нав ва дурагайлари яратиш ва етиштириш агротехнологияси бўйича илмий тадқиқотлар олиб борган олимлардан Р.Ф.Мавлянова, Ш.И.Асатов, Р.С.Акабиров, У.Х.Хуррамов, А.Ж.Шокиров, Ш.Х.Мисиров бошқа олимлар томонидан илмий изланишлар олиб борилган.

Муаллифлар томонидан пекин карамини янги навлари яратилиб, турли муддатларда экиш ва парваришlash, совутгичли омборларда сақлаш бўйича тадқиқотлар олиб борилиб, илмий янгиликларга эришилган. Хусусан, пекин карамини турли муддатларда ҳамда ноқулай шароитларга бардошли янги навларини етиштириш ва сақлашнинг самарали усуллари ва бошқа агротехник тадбирлари юзасидан тавсиялар берилган.

Шу билан бирга, республикаимиз тупроқ-иқлим шароитида пекин карамини экспортбоп навларини кўпайтириш ва сақлаш ва қайта ишлаш бўйича илмий-тадқиқот ишларининг ҳажмини ошириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Чунки пекин карамини экспорт учун етиштирилаётган аксарият навлар хорижий селекцияга мансуб бўлиб, уни республикаимиз тупроқ-иқлими шароитида етиштириш технологияларининг

самарали элементларини ишлаб чиқиш ва сақлаш технологияларини такомиллаштириш етарлича ўрганилмаган.

Ушбу диссертация тадқиқотига кўра, пекин карами навларини турли муддатларда йиғиб олинган ҳосилни сақлаш технологиясининг муҳим элементларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ундаги қўйилган асосий вазифалар ички бозор ва экспортга йўналтирилган сабзавотчилик объекти бўлган пекин карамини сақлашда юзага келадиган қатор муаммоли масалалар ечимини беради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш кафедрасининг №13-1 рақамли “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қуритиш ва дастлабки қайта ишлашда ресурс тежамкор, замонавий технологиялардан фойдаланишни илмий асослаш ва тавсиялар ишлаб чиқиш” мавзуси асосида бажарилган (2022-2025 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади пекин карамининг агробиологик хухусиятлари ва технологик сифат кўрсаткичлари асосида ўрганиш сақлашнинг технологик жараёнларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

пекин карамини совутгичли омборхоналарда сақлаш учун мос навларини ажратиб олиш, карам бошининг товарбоплик хусусиятлари ҳамда умумий балл кўрсаткичлари нав ва дурагайлараро таққосланганда муҳимлилик коэффициентини аниқлаш;

пекин карамининг нав ва дурагайларини карам бошларини кимёвий таркибини аниқлаш ва таҳлил этиш;

маҳсулотни сифатли сақланишига карам бошларини ўрашда фойдаланиладиган плёнка ва қоғоз материалларининг таъсирини аниқлаш;

пекин карамини сақлаш давомида товарбоплик ва истеъмолбоплик хусусиятларини узоқ сақланишини таъминловчи мақбул ҳарорат ва ҳавонинг нисбий намлигини аниқлаш;

пекин карамини сақлашнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган, “Хибинская”, “Биллур”, “Зангори”, “Мезон” навлари ва Ча-Ча F₁, Юки F₁ навлари хизмат қилади.

Тадқиқотнинг предмети пекин карами навларини сақлашнинг мақбул муддатлари ва усуллари, сақлашда маҳсулот сифат кўрсаткичларининг ўзгариб бориш динамикаси, карамни сақлаш давомида кечадиган жараёнларда таъсир этувчи омиллар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Пекин карамини сақлаш давомида сифат кўрсаткичларини аниқлашда қуйидаги давлатлараро стандартлари ва олимларнинг методик қўлланмаларидан фойдаланилди. ГОСТ 8756.1-79 “Продукты пищевые консервированные. Методы определения органолептических показателей, массы нетто или объема и массовой доли

составных частей”, Полегаев В.И. “Методы оценки качества плодов и овощей” (Методические разработки) (1978), В.Ф.Белик “Методика физиологический исследований в овощеводстве и бахчеводстве.” (1970) Пекин карамини сақлашдан олдин ва сақлашдан кейинги физик, кимёвий ва органолептик сифат кўрсаткичлари Е.П.Широков услуби бўйича амалга оширилди ва тадқиқот натижаларининг статистик таҳлили «Excel 2010» ва «Statistika 7.0 for Windows» компьютер дастурларида, 0,95% ишончлилик оралиғи билан Б.А.Доспехов (1985) тавсия этган услуб бўйича ҳисобланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор пекин карамини совутгичли омборларда сақлаш учун энг мақбул Зангори, Мезон ва Юки F₁ нав ва дурагайлари яроқли эканлиги аниқланган;

карам бошининг товарбоплик хусусиятлари ҳамда умумий баллар кўрсаткичлари пекин карамининг нав ва дурагайларида органолептик баҳоланганда Зангори навида 81,4 балл, Мезон навида 82,8 балл, Юки F₁ дурагайида эса 80,8 балл бўлганлиги аниқланган;

пекин карамининг карам бошлари нав ва дурагайларида кимёвий таркиби таҳлил этилганда 100 г хом ашёда ўртача углеводлар 3,6%, оксил 2,5%, озиқа толалари 2,4%, намлик 92%, ёғ 0,4% миқдорда бўлиши исботланган;

карам бошлари озиқ-овқат плёнкасига (стрейч) ўраб сақланганда 85 кундан сўнг ташқи кўриниши, ранги, ҳиди, мазаси, товарбоплик хусусиятлари ва умумий балл кўрсаткичлари назоратдаги Хибинская навида 69,8 балл, Зангори навида 82,5 балл, Мезон навида 83,4 балл, Юки F₁ дурагайида эса 81,9 балл бўлганлиги аниқланган;

карам бошларини озиқ-овқат плёнкасига ўраб сақланганда махсулот сифатли ва узок муддат (85-90 кунгача, назоратга нисбатан 25-30 кун узок вақт) сақланиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

пекин карамини совутгичли омборларда сақлаш учун мос навларини танлаб олиниб сақлашга энг мақбул нав ва дурагайларида Зангори, Мезон ва Юки F₁ ларни сақлашда ижобий натижа кўрсатиши аниқланган;

карам бошининг товарбоплик хусусиятлари ҳамда умумий балл кўрсаткичлари пекин карамининг нав ва дурагайларида таққосланганда муҳимлилик коэффиценти Хибинская навида 68,2 балл, Биллур навида 80,2 балл, Зангори навида 81,4 балл, Мезон навида 82,8 балл, Ча-Ча F₁ дурагайида 80,5 балл, Юки F₁ дурагайида эса 80,8 балл бўлган;

карам бошлари озиқ-овқат плёнкасига ўраб сақлаганда карам бошининг товарбоплик хусусиятлари ва умумий балл кўрсаткичлари Хибинская навида нисбатан 11-13 баллга юқори бўлиши аниқланган;

пекин карамини сақлаш давомида товарбоплик ва истеъмолбоплик хусусиятларининг узок сақланишини (85-90 кунгача) таъминловчи мақбул сақлаш тартиби ва муддати (ҳарорат +1... +3 °С, ҳавонинг нисбий намлиги (94-96%) амалий жиҳатдан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги дала ва лаборатория тажрибаларининг апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланганлиги, илмий тадқиқотлар тўғрисидаги ҳисоботларни Тошкент давлат аграр университети Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш факултети илмий кенгашида 2022-2023 йилларда 20-сентябр 2-сонли мажлис баённомасида муҳокама этилганлиги ва ижобий тақриз олинганлиги, тажриба маълумотларининг статистик таҳлилдан ўтказилганлиги, олинган илмий натижаларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, тажриба натижаларининг халқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама этилганлиги ҳамда маҳаллий ва хорижий нашрларда мақолалар чоп этилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти пекин карамини марказий минтақа тупроқ-иқлим шароитида етиштиришда уни агротехнологик хусусиятларини тадқиқ этилганлиги, маҳсулот сақланувчанлигининг нав ва дурагайларга хос сақланувчанлиги, сақлаш муддати, ҳарорати ва ҳавонинг нисбий намлигига корреляцион боғлиқлигининг ($p=91$) илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти пекин карамини сақлаш давомида товарбоплик ва истеъмолбоплик хусусиятларини узоқ сақланишини (85-90 кунгача) таъминловчи мақбул сақлаш тартиби ва муддати (ҳарорат $+1...+3$) °С, ҳавонинг нисбий намлиги 94-96%) ва қадоклаш материалларини маҳсулот сақлашда унинг сифатига ва узоқ муддат сақланишига (85-90 кунгача) таъсир аниқланганлиги билан изоҳланади ҳамда тавсиянома ишлаб чиқилди ва тавсия этилди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Пекин карами навларини агробиологик ва технологик хусусиятларини маҳсулот сақланувчанлигига таъсирини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари учун “Пекин карамини сақлаш технологияси” номли тавсиянома тасдиқланган (Ўзбекистон Озиқ-овқат саноати уюшмаси 2025-йил 12-мартдаги №12-23/03-25 - сонли маълумотномаси). Ушбу тавсиянома сабзавотчиликка ихтисослашган кластерлар, фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари учун пекин карамини совуқхоналарда сақлаш учун таянч қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

Карам бошларини 85-90 кун давомида совутгичли омборхоналарда сақлашда озиқ-овқат плёнкасига (стрейч) ўраб сақлаш усули Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани “Дилшод Холмурод Боғистон” фермер хўжалигининг совутгичли омборхонада амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Озиқ-овқат саноати уюшмаси 2025-йил 12-мартдаги №12-23/03-25 - сонли маълумотномаси). Натижада карам бошларидан 86,3% сифатли маҳсулот олишга эришилган. Пекин карамини сақлаш давомида товарбоплик ва истеъмолбоплик хусусиятларини узоқ сақланишини (85-90

кунгача) таъминловчи мақбул сақлаш тартиби (ҳарорат +1...+3 °С, ҳавонинг нисбий намлиги 94-96%) ва муддати асосланган ҳамда карам бошларидан 86,3% сифатли маҳсулот олинган.

Пекин карамини сақлашнинг такомиллаштирилган технологияси Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани Товоқсой ҳудудида жойлашган “Мовий Марварид” маъсуляти чекланган жамиятда совутгичли омборхонада амалиётга жорий қилинган. (Ўзбекистон Озиқ-овқат саноати уюшмаси 2025-йил 12-мартдаги №12-23/03-25 - сонли маълумотномаси). Натижада Пекин карамининг “Yuki F₁” ва “Cha-Cha F₁” навини сақлашдан 2451 000 сўм соф фойда олишга ҳамда 115,3% иқтисодий самарадорликка эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала тажрибалари Тошкент давлат аграр университетида ташкил этилган апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланган, тадқиқот натижалари 5 та, жумладан, 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 9 илмий иш чоп этилган, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси ОАК томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та (жумладан 2 ташқи хорижий), илмий амалий конференцияларда 5 та (жумладан 3 таси халқаро 2 та маҳаллий) ҳамда 1 та тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги баён этилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, натижаларни амалиётга жорий қилиш, апробатсия ва илмий-тадқиқот натижаларининг чоп этилганлиги тўғрисида маълумотлар, диссертациянинг ҳажми ва қисқача таркиби баён этилган.

Диссертациянинг **“Пекин карамининг агробиологик ва технологик кўрсаткичларини таҳлили ва ботаник таснифи (адабиётлар шарҳи)”** деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича хорижий ва республикамиз олимларининг ушбу мавзуда олиб борган илмий тадқиқотлари натижалари ва адабий манбалари шарҳланган. Бинобарин, сақлашга мўлжалланган пекин карами навларини танлаш ва терим жараёнларини ташкил этиш, дунё амалиётида қўлланилаётган пекин карамини сақлаш технологиялари ва сақлаш жараёнида учрайдиган касалликлар ва уларга қарши кураш усуллари ва технологиялари юзасидан адабиётлар шарҳида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг “Тадқиқот ўтказиш жойининг табиий-иқлим шароитлари” деб номланган иккинчи бобида тадқиқот мавзуси юзасидан дала тажрибалари олиб борилган жойининг иқлим шароити, тадқиқот мақсади, объекти ҳамда тажрибаларни ўтказиш услублари тавсифланган. Хусусан, ушбу бобнинг «Тадқиқотни ўтказиш дастури» бўлимида ишлаб чиқилган мавзунинг мақсади, вазифалари, тадқиқот объектлари, дала тажрибалари ва лаборатория таҳлилларини олиб бориш услублари, тажриба пекин карами навларини сақлашда қўлланилган фенологик кузатувлар ва биометрик ҳисоблар, шунингдек тажриба маълумотларига математик ишлов бериш. Олинган тадқиқот натижаларига статистик ишлов бериш учун Б.А. Доспехов (1985) услубидан фойдаланилди. Тажриба ишлари ўтказилган Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги Чирчиқ дарёсида оралиғида жойлашган хуҳудларга тадқиқотлар қўйилди. Ишлаб чиқариш синовлари 2022-2024 йилларда Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманлари ҳудудидаги фермер хўжаликлари ва маъсуляти чекланган жамиятда ишлаб чиқаришга жорий этилди.

Диссертациянинг “Пекин карамини сақлашбоп навларини ажратиш, сақланувчанлик хусусиятларини аниқлаш” деб номланган учинчи бобида республикада раёнлашган пекин карамини сақлашбоп навларини ажратиш, сақланувчанлик хусусиятларини аниқлаш асосида пекин карамини таркиби ва сифат кўрсаткичлари бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган. Ушбу бобнинг тадқиқотларимиз давомида пекин карамининг 6 та нав ва дурагайларини сақлашга яроқлилик жиҳатларини ҳамда товарбоплик хусусиятларини таҳлил этдик. Айтиш жоизки нав ва дурагайларни карамбошларига баҳо беришда товаршуносликда кенг фойдаланиладиган ҳар бир кўрсаткичига ҳолис баҳо бериш имкониятини берувчи вазн нисбатини қўллаб, балли баҳо бериш усулини қўладик. Тажрибаларимиз давомида сабзаотларнинг маълум турлари учун айрим ўзига хос кўрсаткичлари ҳисобга олинади: пекин карами бошларини шаклланишида ва пишиш даражасини аниқлашда муҳим бўлган уларнинг ташқи ва ички тузилиши, морфологик белгилари ҳисобга олиниб таҳлил этилди (1-жадвал).

Тажрибада ўрганилаётган пекин карамининг нав ва дурагайларини карам бошларининг морфологик белгиларини қиёсий баҳолаш шуни кўрсатдики, республикамиз шароитида узоқ йиллардан буён экиб келинаётган пекин карамини Хибинская нави сўнгги йилларда республикамиз селекционер олимлари томонидан яратилган “Зангори”, “Биллур” ва “Мезон” навлари ҳамда “Ча-Ча F₁”, ва Юки F₁ навларини турли морфологик кўрсаткичлари қиёсий таққосланди.

Пекин карамининг нав ва дурагайларини карам бошларини сифатни аниқлаш учун экспертлар ҳамкорлигида сифатнинг 5 та даражасини ифодаловчи 100 баллик шкаладан фойдаланилди. Бунда куйидагича баҳоланади: 5 – аъло сифатли (86,0 баллдан юқори), 4 – яхши (71-85 балл), 3-ўрта (55-70 балл), 2-ёмон (40-54 балл) ва 1 жуда ёмон (39 баллдан паст).

Тажрибада ўрганилаётган пекин карамининг нав ва дурагайлари карам бошларининг морфологик белгиларини қиёсий баҳолаш (2022-2024 йй.)

Навлар	Нав ва дурагайлари белгиларининг кўрсаткичлари					
	барглари сони, дона.	барг эни, см.	битта барг юзаси, см ²	бир туп ўсимликдаги барглار юзаси, м ²	баргнинг узунлиги, см.	кўчат баланлиги, см.
Хибинская, стандарт	24	18	4,2	100,8	32	45
Зангори	28	22	4,8	134,4	36	38
Биллур	27	20	4,5	134,1	36	39
Мезон	26	20	4,6	134,2	35	40
Ча-Ча F ₁	31	23	5,1	134,8	37	42
Юки F ₁	30	23	4,9	134,6	38	41

Тавсифлашда экспертлар баҳосини жамлашда ҳар бир кўрсаткич бўйича стандарт оғиш (С) ни аниқланди. Дунёда 5 баллик шкалада экспертларни стандарт оғишиши $\pm 0,5$ баллдан ошмаганлиги кузатилди.


Тажрибаларимиз давомида ўрганилган пекин карами нав ва дурагайларида ушбу балларни жамлаш асосида ўрганилган пекин карами нав ва дурагайлари умумий баҳоси таҳлил этилди. Унга кўра тадқиқот олиб борилган нав ва дурагайлар ичида назоратдаги “Хибинская” навида – 84,5, “Зангори” навида 92,1, Биллур навида 88,2, Мезон навида 87,4, Ча-Ча F₁, дурагайида 94,3, ва Юки F₁ дурагайида 94,7 баҳоланиб, аъло сифатга эга эканлиги маълум бўлди.

Органолептик баҳолаш давомида пекин карами навларидан “Зангори” навида 92,1 ва пекин карами навлари Ча-Ча F₁, дурагайида 94,3, ва Юки F₁ дурагайида 94,7 назоратдаги навга ва бошқа вариантлардаги навларга нисбатан юқори натижа кўрсатганлиги аниқланди. Айтиш жоизки тажрибаларимиз давомида ўрганилган пекин карами нав ва дурагаларини турли кўрсаткичлари бўйича таққослаганда улар ўртасида катта тафовутли фарқланишлар кузатилмаган бўлсада айрим кўрсаткичларда пекин карамини навларига нисбатан таққосланганда юқори натижага эга эканлигни тажрибаларимиз давомида кузатилди (1-расм).

Бунда термостат усулида – қуруқ моддалар, Бертран усулида – шакар микдори, Тилманс усулида – витамин С, ионометрик усулда – нитратлар, кабул қилинган лаборатория шароити усулида – темир ва А провитамин микдори аниқланди.

Тажрибаларимизда совутгичли омборхоналарда кардон қутиларда очик ҳолатда ва полетилин қопларга жойлаштирилиши ёки озиқ-овқат плёнкаси билан ўралган ҳолда сақлаш жараёнида турли пекин карами навларини сақлаш давомийлигида бўладиган ўзгаришларини таҳлил этдик. Бу жараёнда карам бошларини юқори қаватидаги барглари олиб ташлашнинг ҳожати йўқ ва бу ҳолат айрим жараёнларда карам бошларини узок муддатга

сақлаш имкони мавжуд бўлади. Сақлаш жараёнида ҳаво намлигининг 100 % дан ошиши карам бошларини жуда тез бузилишига сабаб бўлади.



1-расм. Тажириба олиб борилган пекин карами карамбошларининг умумий органолептик баҳолаш (100 баллик тизим бўйича); 2022-2024 йй


2-жадвал.

Пекин карамининг нав ва дурагайлари карамбошларининг кимёвий таркиби, 100 г. маҳсулот нисбатида, (2022-2024 й.й)

№	Нав ва дурагайлари номи	Модда номи				
		углевод	оқсил	озуқа тоғалари	сув	ёғ
1	Хибинская ст.	3,6±0,5	2,5±0,5	2,4±0,5	92±0,5	0,4±0,1
2	Зангори	3,9±0,5	2,6±0,5	2,9±0,5	90±0,5	0,3±0,1
3	Биллур	3,7±0,5	2,4±0,5	2,8±0,5	91±0,5	0,4±0,1
4	Мезон	3,7±0,5	2,5±0,5	2,7±0,5	90±0,5	0,4±0,1
5	Ча-Ча F ₁ ,	4,3±0,5	2,8±0,5	3,2±0,5	88±0,5	0,3±0,1
6	Юки F ₁	4,2±0,5	2,9±0,5	3,1±0,5	90±0,5	0,3±0,1

Пекин карами нав ва дурагайларини сақлаш жараёнида
омборхонадаги ҳарорат ва ҳавонинг нисбий намлигини маҳсулотнинг
табiiй камайишига таъсири.

Пекин карами нав ва дурагайлари	Табиий камайиш кўрсаткичлари %				Жами:	Ўртача натижа
	+3 °C	+2 °C	+1 °C	0 °C		
	98 %	96 %	94 %	92 %		
Хибинская (St)	11	10	9	9	39	9,75
Биллур	10	10	8	7	35	8,75
Зангори	10	10	8	7	35	8,75
Мезон	9	9	7	5	30	7,5
Ча-Ча F ₁	9	9	8	6	32	8,0
Юки F ₁	9	9	7	5	30	7,5
ЭКФ ₀₅	0,08	0,07	0,05	0,04		0,06
Sx	0,3	0,3	0,4	0,5		0,3



2-расм Пекин карамини совутгичли омборхоналарда сақлаш муддати ва сақлаш жараёнида табиий камайиш ва сифатли маҳсулот чиқиши % кўрсаткичида таҳлил этилган.

Сақлашга жойлаштирилган карам бошлари озиқ-овқат плёнкасига (стрейч) ўраб сақлаганда 25-30 кундан сўнг карам бошининг ташқи кўриниши, ранги, ҳиди, мазаси, карам бошининг товарбоплик хусусиятлари, ва умумий балл кўрсаткичлари пекин карамининг нав ва дурагайлар аро таққосланганда муҳимлилик коэффитсенти Хибинская навида 74,6 балл, Биллур навида 84,2 балл, Зангори навида 87,5 балл, Мезон навида 87,1

балл, Ча-Ча F₁ дурагайда 87,2 балл, Юки F₁ дурагайда эса 87,1 балл бўлганлиги экспертлар томонидан баҳоланди.

Жадвал маълумотларидан айтиш мумкинки назоратга нисбатан карам бошларини сифат кўрсаткичлари пергамент қоғозига ва озиқ-овқат плёнкасига (стрейч) ўраб сақланганда энг юқори кўрсаткичда бўлганли аниқланди.

Пекин карам бошлари сақлашга қўйилгандан сўнг 85-90 кун ўтиб карам бошларини сифат кўрсаткичлари таҳлил этилганда қўйидаги натижаларга эришилди. Бунда пекин карамининг нав ва дурагайларининг карам бошлари қоғозга ўрамасдан (назорат) сақлаганда 85-90 кундан сўнг карам бошининг ташқи кўриниши, ранги, ҳиди, мазаси, карам бошининг товарбоплик хусусиятлари ва умумий балл кўрсаткичлари пекин карамининг нав ва дурагайлар аро таққосланганда муҳимлилик коеффитсенти Хибинская навида 67,5 балл, Биллур навида 76,8 балл, Зангори навида 78,6 балл, Мезон навида 80,1 балл, Ча-Ча F₁ дурагайда 78,4 балл, Юки F₁ дурагайда эса 79,6 балл бўлганлиги кузатилди.

Пекин карамининг нав ва дурагайларини карам бошлари қоғозга ўраб сақлаганда 60 кундан сўнг карам бошининг ташқи кўриниши, ранги, ҳиди, мазаси, карам бошининг товарбоплик хусусиятлари, ва умумий балл кўрсаткичлари пекин карамининг нав ва дурагайлар аро таққосланганда муҳимлилик коеффитсенти Хибинская навида 67,8 балл, Биллур навида 78,4 балл, Зангори навида 80,5 балл, Мезон навида 82,2 балл, Ча-Ча F₁ дурагайда 80,1 балл, Юки F₁ дурагайда эса 80,2 балл бўлганлиги бўлганлиги экспертлар томонидан баҳоланди.д

“Пекин карамини сақлашнинг иқтисодий самарадорлиги”

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришга нафақат янги балки иқтисодий жихатдан самарадор бўладиган экин турларига эътибор юқори. Ушбу муаммоларни ҳисобга олган ҳолда биз пекин карами карамбошларини сақлашнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш бўйича ҳисоб-китоблар ўтказилди. Пекин карами бошларини сақлашда барча омиллар ҳисобга олинди. Бу ерда 1 га майдондан олинган ҳосилни сақлаш бўйича ҳисоб китоблар олиб борилди. Тажрибалар шуни кўрсатдики, пекин карамини сақлаганда самарадорлик хусусиятлари ошиб борди сақлаш давомида юқори самарадорликка эришилди.

Пекин карамини Зангори, Мезон Юки F₁ нав ва дурагайларни ва хар бирдан 1000 кг дан карам бошлари озиқ-овқат плёнкасига (стрейч) ўраб сақлашга жойлаштирилди. Карам бошлари улгуржи нарҳда 1 кг махсулот 1000 сўмдан жами 3 млн сўмга сотиб олинди. Карам бошларини совутгичли омборда сақлашда жами 3 млн сўм харажат сарфланган бўлса, хар бир нав ва дурагай карам бошлари учун 2 млн 500 минг сўм сарфланди.

Пекин карами нав ва дурагайларини +1...+3°C ҳароратда 95-96 % нисбий намликда 90 кун давомида сақлангандаги иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари, (2024 й)

Кўрсаткичлар	нав ва дурагайлар		
	Зангори	Мезон	Юки F ₁
Сақлашга қўйилган маҳсулот миқдори, кг	1000	1000	1000
Маҳсулотни сақлаш нархи, кг/минг сўм	1 000 000	1 000 000	1 000 000
Маҳсулотни харид қилиш нархи, минг сўм/кг	1500	1500	1500
Сақлаш давомида табиий камайиш, %	13	10	12
Билвосита харажатлар (15%,) минг сўм	375 000	375 000	375 000
Умумий харажатлар, минг сўм	2 125 000	2 125 000	2 125 000
Сақлангандан кейин табиий камайиши натижасида қолган маҳсулот, кг	870	900	880
Сақланган маҳсулотни сотиш нархи, минг.сўм/кг	5200	5200	5200
Жами даромад, минг сўм	4 524 000	4 680 000	4 576 000
Соф фойда, минг сўм	2 399 000	2 555 000	2 451 000
Рентабеллик %	112,8	120,2	115,3

ХУЛОСАЛАР

1. Пекин карами нав ва дурагайларида ушбу балларни жамлаш асосида ўрганилган пекин карами нав ва дурагайларининг умумий баҳоси таҳлил этилган бўлиб, унга кўра пекин карамининг нав ва навлар ичида назоратдаги “Зангори” навида 92,1, “Мезон” навида 87,4, “Ча-Ча F₁”, дурагайида 94,3, ва “Юки F₁” дурагайида 94,7 баҳоланиб, аъло сифатга эга эканлиги қайд этиб ўтилган.

2. Карам боши таркибидаги витаминлар жумладан витамин С, провитамин А, витамин В₂ ҳамда РР витаминлар карам турлариаро таққосланган. Пекин карамининг карам боши таркибида куруқ моддалар миқдори 6,7 мг, оксиллар 1,5 мг, углеводлар 1,4 мг, целлюлоза 2 мг миқдорда бўлганлиги аниқланди. Витаминлар миқдори эса витамин С 30 мг провитамин А 1,8 мг, витамин В₂ 2,8 гр витамин РР 2 мг ни ташкил этиб ушбу моддалар маҳсулотнинг муҳимлилик коэффицентини оширади.

3. Ўтқазилган тадқиқот таҳлиллари ва тажрибалар асосида пекин карамининг карам бошларини сақлаш давомийлиги эса 85-90 кун бўлганда таркибидаги озуқавий моддалар куруқ моддалар, оксиллар, углеводлар ҳамда целлюлоза миқдорини йуқотмаслиги ва унинг сақлаб қолиши сеvimли сабзавот турларидан бир эканлиги исботланди.

4. Карам бошлари органолептик баҳолаш давомида пекин карами навларидан “Зангори” навида 92,1, ва пекин карами навлари “Ча-Ча F₁”,

дурагайида 94,3, ва “Юки F₁” дурагайида 94,7 назоратдаги навга ва бошқа вариантлардаги навларга нисбатан юқори натижа кўрсатган.

5. Пекин карамининг карам бошларини сақлашда омборидаги хавонинг ҳарорати +2...+3 °С, хавонинг нисбий намлиги эса 94-96 % этиб белгиланиб кузатувлар олиб борилди. Кузатувлар ҳар 10 кун давомида 4 маротаба такрор олиб борилди. 25-30 кун давомида сақланган карам бошларини умумий табиий камайиш кўрсаткичлари таҳлил этилганда, навлар аро қўйидагича бўлганлиги аниқланди. Бунда назорат сифатида олинган “Хибинская” навида 11%, “Биллур” навида 10 %, “Зангори” навида 10 %, “Мезон” навида эса 9 % гача маҳсулотларда табиий камайишни ташкил этди.

6. Пекин карамининг нав ва дурагайлари карам бошлари кадоқланмасдан (назорат) сақланганда 25-30 кундан сўнг карам бошининг ташқи кўриниши, ранги, ҳиди, мазаси, карам бошининг товарбоплик хусусиятлари ва умумий балл кўрсаткичлари пекин карамининг нав ва дурагайлар аро таққосланганда муҳимлилик коэффиценти “Хибинская” навида 68,6 балл, “Биллур” навида 81,9 балл, “Зангори” навида 85,8 балл, “Мезон” навида 84,2 балл, “Ча-Ча F₁” дурагайида 82,8 балл, “Юки F₁” дурагайида эса 81,6 балл бўлди.

Пекин карамини совутгичли омборларда сақлаш учун мос “Зангори”, “Мезон” ва “Юки F₁” нав ва дурагайлари сақлашга тавсия этилади.

Пекин карамининг карам бошларини сақлашда карам бошларини сифатли сақланишига таъсир этувчи пергамент қоғози ва озиқ-овқат плёнкаси (стреч) да ўраб сақлаш тавсия этилади.

Пекин карамини карам бошларини совуткичли омборларда сақлашда омборхона хавосининг ҳарорати +2...+3°С, хавонинг нисбий намлиги 94-96% бўлиши тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/29.04.2022.Qx. 13.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ХАКИМОВ РАХШОД ХОЛМИРАТОВИЧ

**АГРОБИОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ И ТЕХНОЛОГИЯ
ХРАНЕНИЯ ПЕКИНСКОЙ КАПУСТЫ (*BRASSICA RARA SUBSP.
PEKINENSIS L.*)**

06.01.11 –Хранение и переработка сельскохозяйственной продукции

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам**

Ташкент – 2025

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии Республики Узбекистан за номером B2024.4.PhD/Qx1562

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском и английском) размещён на веб-странице Научного совета (www.tdau.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz)

Научный руководитель:

Шарипов Султон Янгибоевич
кандидат технических наук, доцент.

Официальные оппоненты:

Муминов Нажмиддин Шамсиддинвич
доктор технических наук, профессор

Мисиров Шухрат Худойкулович
доктор философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам

Ведущая организация:

Институт научных исследований по
овощеводству, бахчеводству и
картофелеводству

Защита диссертации состоится в 8 июля 2025 года в 10:00 часов на заседании Научного совета DSc.05/28.08.2022.Qx.13.04 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Тел: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60;. e-mail: tgau@edu.uz. Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1-этаж, зал заседаний).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрировано под номером 552790). (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Автореферат диссертации разослан 26 июня 2025 года.
(реестр протокола рассылки номер № 23 от 16 мая 2025 года).




Ш.И. Асатов
Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней, д.с.х.н.,
профессор


М.З. Холмуротов
Учёный секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.ф.с.х.н., доцент.


С.А. Юнусов
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению учёных
степеней, д.с.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация к диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. Овощные культуры играют ключевую роль в обеспечении глобальной продовольственной безопасности, составляя 70–75% от повседневного рациона человека. Согласно данным ФАО, в 2024 году, за исключением цветной капусты и брокколи, овощи из семейства крестоцветных в значительных масштабах возделывались в таких странах, как Китай (1009,23 тыс. га; 33,84 т/га), США (239,17 тыс. га; 41,17 т/га), Российская Федерация (72,18 тыс. га; 36,34 т/га) и Южная Корея (36,16 тыс. га; 71,17 т/га)³. В настоящее время площадь возделывания пекинской капусты в мире составляет 4,5 млн гектаров, при средней урожайности 48,5 т/га и валовом сборе 95,2 млн тонн. Наибольшие площади под данной культурой сосредоточены в Китае (2,3 млн га), Индии (55,2 тыс. га) и Российской Федерации (180,2 тыс. га). В настоящее время актуальной задачей является создание, размножение, выращивание и разработка инновационных технологий хранения новых сортов и гибридов пекинской капусты, обладающих высокой урожайностью, устойчивостью к хранению и транспортировке на большие расстояния, пригодных для выращивания в различные сроки, а также способных долго сохранять товарные качества при хранении

В последние годы вопросам продовольственной безопасности уделяется большое внимание. В связи с этим проводится активное расширение площадей под овощными культурами, увеличение ассортимента продуктов на их основе, повышение урожайности, а также ведутся многочисленные научные исследования, направленные на длительное и качественное хранение овощей. Особое место среди овощных культур занимает пекинская капуста, интерес к которой растет во многих странах мира. Учитывая вышеизложенное, одной из важнейших задач является отбор высокоурожайных сортов и гибридов данной культуры, способных при длительном хранении сохранять пищевую ценность и биохимический состав, богатые витаминами и минералами. Кроме того, необходима разработка и совершенствование современных методов хранения с целью повышения их эффективности.

Среди мало распространённых овощных культур проведено множество научных исследований по выращиванию и селекции пекинской капусты, однако исследования, посвящённые хранению и переработке пекинской капусты, остаются недостаточными. В Стратегии развития «Новый Узбекистан» на 2022–2026 годы, направленной на дальнейшее развитие Республики Узбекистан, особо выделены задачи «увеличить доходы крестьян и фермеров Указ Президента Республики Узбекистан №ПФ-60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022–2026 годы» в как минимум в 2 раза за счёт интенсивного развития научного обеспечения сельского хозяйства, а также обеспечить ежегодный рост сельского хозяйства не менее чем на 5%»⁴. В данном контексте разработка технологий хранения

³ Fao.org

⁴ Указ Президента Республики Узбекистан №ПФ-60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022–2026 годы».

пекинской капусты, основанная на комплексном исследовании её агробиологических характеристик как мало распространённой овощной культуры, представляет собой актуальную научно-практическую задачу. Это обусловлено необходимостью повышения уровня жизни населения, обеспечением системного подхода к здоровому питанию, а также полным удовлетворением растущего спроса на овощную продукцию.

В Указе Президента Республики Узбекистан от 28 января 2020 года № УП-4575 «О мерах по реализации задач, предусмотренных в Стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020–2030 годы», а также в Постановлении Кабинета Министров от 11 декабря 2023 года № 653 «О внесении изменений и дополнений в некоторые постановления Правительства Республики Узбекистан в связи с совершенствованием государственного управления в сфере сельского хозяйства и продовольственной безопасности» и других нормативно-правовых документах в области сельского хозяйства и продовольственной безопасности изложены задачи, реализация которых в значительной мере поддерживается результатами данного диссертационного исследования.

